РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАСИ 3.000.000 ТОННАДАН ОШДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 207 (3945).

22 ОКТЯБРЬ СЕШАНБА 1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Кеча Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатларининг халқаро кинофестивали очилди.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАҲДАМ ОДИМЛАРИ

СССР САНОАТИ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1968 ЙИЛ ТУҚҚИЗ ОЙИ МОБАЙНИДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ

АХБОРОТИ

Саноат ходимлари, дейилади СССР Министрлар Советн ҳузуридаги Марказий Статистика Бошқармасининг ахборотида, беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун мусобақалашиб, саноат маҳсулотини умуман реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш тўққиз ойлик ва III квартал планини ошириб бажардилар.

Тўққиз ой мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,2 процент кўпайди.

Саноатнинг айрим тармоқлари маҳсулот чиқаришни қуйидагича кўпайтирди, электр энергетика саноати — 9 процент, ёқилғи саноати — 4 процент, қора ва рангли металлургия саноати — 7 процент, химия ва нефть-химия саноати — 12 процент, машинасозлик ва металл ишлаш саноати — 11 процент, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати — 5 процент, биноқорлик материаллари саноати — 7 процент, енгил саноат — 8 процент, озиқ-овқат саноати — 6 процент, саноат маҳсулотининг умумий ҳажмидан маданий-маиший ва уй рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш 15 процент кўпайди.

Саноат корхоналарини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказиш давом этди: учинчи кварталда саноатнинг турли тармоқларга қараШли 11 мингдан кўпроқ корхона янги системага ўтказилди. Квартал охирига келиб 24,9 минг корхона янги системада ишлади. Бутун саноат маҳсулотининг қариб 70 процента ва фойданинг салкам 80 процента шу корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Янги шароитда ишлаган корхоналар маҳсулотни реализация қилиш ва фойда олиш тўққиз ойлик оширилган планларини ортиги билан бажардилар.

Барча иттифоқдош республикалар саноат маҳсулотини умуман реализация қилиш жиҳатидан ҳам шунингдек, энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан ҳам тўққиз ойлик планни ошириб бажардилар.

СССР Марказий Статистика Бошқармасининг ахборотида сўнгра бундай дейилади: 1968 йилнинг тўққиз ойи мобайнида 440 миллиард киловатт-соат электр энергияси (умум фойдаланишдаги электр станциялар ва блок станциялар ишлаб чиқарилган), 230 миллион тонна нефть, 125 миллиард куб метр газ, 445 миллион тонна кўмир, 59 миллион тонна чўян, 79,5 миллион тонна пўлат, 63,7 миллион тонна прокат, 133 миллион тонна темир рудаси, 32,1 миллион тонна (шартли бирликларда) минерал ўғит, 945 минг тонна пластик масса ва синтетик смола, 410 минг тонна химиявий тола, 23,6 миллион дона автомобиль покришкаси, 149 минг дона металл қирқиш станоги, 1585 миллион сўмлик приборлар, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, 14,5 минг дона тўқиш станоги, 315 минг та трактор, 1311 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари, 76,8 минг та ғалла ўриш комбайни, 2,9 миллион тонна қоғоз, 65,5 миллион тонна цемент, 4581 миллион квадрат метр ип газлама, 435 миллион квадрат метр жун газлама, 506 миллион квадрат метр зиғир толасидан тўқилган газлама, 708 миллион квадрат метр шойи газлама, 9,8 миллиард сўмлик тикилган буюм, 612 миллион дона ички трикотаж, 221 миллион дона устки трикотаж, 441 миллион жуфт чарм пойафзал, 4,9 миллион тонна гўшт (саноатда ишлаб чиқарилган колхозларда ишлаб чиқарилгани бу ҳисобга кирмайди), 36 миллион тонна мол ёғи, пишлоқ ва сутга айлантириб ҳисобланган бошқа сут маҳсулотлари, 2,2 миллион тонна ўсимлик мойи, 7,3 миллиард банка консерва, 27 миллион дона соат, 5.102 минг дона радиоприёмник ва радиола, 4.174 минг дона телевизор, 2.305 минг дона холодильник, 3.504 минг дона кир ювиш машинаси, 1,8 миллиард сўмлик мебель ишлаб чиқарилди.

Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 55 миллиард киловатт-соат электр энергияси, 16 миллион тонна нефть, 9 миллиард кубметр газ, 3,4 миллион тонна чўян, 3,3 миллион тонна пўлат, 2,6 миллион тонна тайёр прокат, 2,6 миллион тонна минерал ўғит, 1,7 миллион дона автомобиль покришкаси, 49 минг та автомобиль 13,7 мингта трактор, 2,6 миллион тонна цемент кўп ишлаб чиқарилди.

Рангли металлар, шу жуладан, алюминий, мис, рух, никель ишлаб чиқариш, нефть химияси ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ва саноат маҳсулотининг бошқа кўпгина турларини ишлаб чиқариш кўпайди.

Халқ истеъмол қиладиган буюмлар ишлаб чиқариш кўпайди: 215 миллион квадрат метр ҳамма турдаги газлама, 39 миллион дона ички ва устки трикотаж, 1,2 миллиард сўмлик тикилган буюмлар, 24 миллион жуфт чарм пойафзал, 175 минг тонна гўшт, 126 минг тонна ўсимлик мойи, 455 миллион банка консерва, 340 минг дона радио приёмник ва радиола, 501 минг дона телевизор, 338 минг дона холодильник, 290 минг дона кир ювиш машинаси, 150 миллион сўмликдан зиёд мебель кўп ишлаб чиқарилди.

Саноатда меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан 5 процент ошди.

Маҳсулот таннархи камайтирилди. 9 ой мобайнида саноатнинг олган фойдаси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан таққослама нархларда 15 процентдан зиёд кўпайди.

Умуман, саноат планни муваффақиятли равишда бажаргани ҳолда, дейилади СССР Марказий Статистика Бошқармасининг ахборотида, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш ҳамда жамғарма тўплаш тўққиз ойлик топшириқларини бажармаган корхоналар ҳам бор. Айрим министрликлар каустик сода, буғ турбиналари, ўзгарувчан ток электр двигателлари, нефть аппаратлари, темирчилик-пресслаш машиналари, йиғнрув машиналари, юк вагонлари ва пассажир вагонлари, қишлоқ хўжалик машиналарининг баъзи турларини, ипоратбой ёғоч, қоғоз, картон, цемент, асбоцемент қувурлари, йиғма-темир бетон, қурилиш ғиштн, зиғир толасидан тўқилган газлама, ички трикотаж, холодильник ва бошқа баъзи буюмлар ишлаб чиқариш планининг бажарилишини таъминламадилар.

Илмий-тадқиқот ташкилотлари ва корхоналарнинг куч-ғайрати энг муҳим илмий-техника проблемаларини ҳал қилишга, янги серунум машина-ускуналар, илғор технология ҳамда ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини яратишга ва жорий этишга қаратилди. Шу билан бирга, дейилади СССР Марказий Статистика Бошқармасининг ахборотида, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда фан ва техника ютуқларини жорий этиш планида белгиланган бир қанча топшириқлар тўлиқ бажарилмай қолди. Тўққиз ой мобайнида халқ хўжалигига 1,8 миллион ихтиро ва рационализаторлик таклифлари жорий қилинди. Бу эса, бир йилга ҳисоблаганда 1,4 миллиард сўмдан кўпроқ маблағни тежаб қолиш имконини берди. (ТАСС).

ҚИТЪАЛАР ЭКРАНИ, ТАЛАНТЛАР ГУЛДАСТАСИ

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ

Осиё ва Африка мамлакатлари биринчи Тошкент халқаро кинофестивали қоидасининг биринчи моддасида «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деган сўзлар фестивалнинг шиори бўлади, деб ёзиб қўйилган. Бу шиор дунёдаги қирқ олти мамлакат энг йирик экран усталарини Ўзбекистон пойтахтига чорлади.

Қитъалар экрани, талантлар гулдастаси — ҳозирги кунда Тошкентнинг руҳини ҳам, қиёфасини ҳам белгилаб турибди. Кино лентаси қуршаб олган ер шари фестивалининг эмблемаси бўлиб, у шаҳар аэропортини ҳам, кўчаларни, кино-театрини ҳам безаб турибди. Фестиваль кўригнининг марказий саҳнаси бўлиб қолган энг катта кино-театримиз — Санъат саройига кираверишда мўътабар Тошкент учрашувида қатнашувчи мамлакатлар байроқлари тикилган жой ўзига хос ҳиёбонга айланиб қолган. Шу саройнинг одамлар билан лиқ тўла залида 21 октябрь кечқурун фестиваль тантанали равишда очилди.

Шарқдаги энг яхши заалардан бири бўлган бу саройнинг рассомлар ёрқин, бежирим ва оддий қилиб, ҳозирги замон безатиш санъати услубида ясаганлар. Фойега қўйилган ва ривожланаётган мамлакатларнинг ёш кинематографияси эришган муваффақиятларн тасвирловчи ранг-баранг стендлар зал безакларига ҳамоҳанг бўлиб тушган.

Фестиваль қатнашчилари — режиссёрлар, артистлар, кино танқидчилари саҳнага чиққанларида тошкентликлар уларни қизғин қарсаклар билаб кутиб оладилар. Улардан кўпларининг номлари ва чеҳралари миллион-миллион томошабиларга яхши таниш.

Тошкент фестивалини тайёрлаш ва ўтказиш ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **С. О. Азимов** санъатлар ичида энг оммавий ва интернационал санъат бўлган кининнг катта акжуманни очатуриб, кино усталари ва унинг мухлислари кечираётган ҳис-туйғулар тўғрисида биринчи сўзларни айтди.

Тошкентга тўпланган кино арбобларини табриклаб, нотиқ шуни маълум қиладики, фестивалга Осиё ва Африкадаги қирқ олти мамлакат кинематографчилари, Европа ва Американинг 22 мамлакатидан меҳмонлар, шунингдек Закавказье, Ўрта Осиё, Совет Республикалари, Қозоғистон кинематографчилари ҳамда Узоқ Шарқ ва Сибирь студияларнинг ходимлари келишди. Делегациялар составида ер юзининг тўрт қитъасидаги атоқли кинодраматурглар ва актёрлар, режиссёрлар ва операторлар, фирмаларнинг бошлиқлари ва кино продюссерлари бор. Улар фестивалга бадиий ва ҳужжатли кинематографиянинг кейинги йилларда яратилган энг яхши асарларини келтиришган. Фестивалда энг катта кинематография давлатларининг вакиллари ҳам, санъатнинг ана шу қийин ва ҳамда севадиган турида дастлабки қадил қадамлар қўяётган мамлакатларнинг вакиллари ҳам қатнашмоқдалар.

Совет давлатининг тонгида Улуғ Октябрнинг доҳий йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин: санъат турлари орасида бизга энг муҳими кинодир, деган эди. Дарҳақиқат кино Советлар мамлакати халқларининг мислсиз тарихий тараққиёт учун курашида жуда катта роль ўйнади. Совет Закавказьеси, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон кино санъати учун бу гап айниқса характерлидир. Бу республикалардаги кино Совет ҳокимияти билан бирга туғилиб, ривож топиб, эндиликда жаҳон миқёсида эътирофга сазовор бўлди.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Осиё ва Африка мамлакатларининг биринчи Тошкент халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонларига табрикнома йўллади. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги кинематография комитетининг раиси **А. В. Романов** мажлис аҳлининг қарсаклари остида шу табрикномани ўқиб эшиттиради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Р. Қурбоновга** сўз берилди. Осиё ва Африка мамлакатларининг Тошкентда бугун очилаётган халқаро кинофестивали, дейди у, икки қитъа халқларининг маданий ҳаётида катта ва шонли воқеадир. Фестиваль тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги йўлида ва Осиё кино санъати арбобларининг алоқаларини кучайтириш, бирдамлиқни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилиши лозим.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳукуматининг топшириғига биноан Ўртоқ Қурбонов азиз меҳмонларни чин кўнгилдан табриклайди ва уларга катта-катта муваффақиятлар тилайди.

XX аср ўрталари, дейди у сўзини давом эттириб, Африка ва Осиё халқлари тарихида ва тақдирида улуғвор воқеалар жуда кўп бўлди. Шу икки қитъадаги кўпгина халқлар мустамлака қуллиги кишанларини улоқтириб ташлади, ўз давлатига эга бўлди ва мустақил ривожланиш йўлига тушиб олди. Шу билан бирга ҳали ҳам мустамлачилик зулми остида қолиб келаётган мамлакатлардаги халқларнинг озодлик кураши кучайди.

Кино санъати ходимлари халқларнинг миллий озодлик курашидан четда туроалмайдилар. Шу сабабли бизнингча ҳозир ушбу бир масъулиятли давр келганки, бу даврда кино санъати ходимлари ўз халқига садоқат билан хизмат қилишлари лозим бўлиб қолди, чунки улар халқ билан ҳамнафасдирлар, улар ўз вазифаларини халқнинг мададисиз, бутун халқ манфаатлари билан чамбарчас боғламай туриб, адо қила олмайдилар. Биз шунга амринмизки, Осиё ва Африка мамлакатларининг Тошкентдаги халқаро кинофестивали халқларнинг тинчлик ва дўстликда яшашдек улуғ муддаосини яққол кўрсатиб боради, дўстлик ер юзидаги ҳамма тараққийпарвар кишиларнинг сафларини жипслаштиради ва мустаҳкамлайди.

Ушбу дўстона учрашувимиз фестивалимизнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори рўёбга чиқиши йўлида икки қитъа кинематографчиларининг ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашсин. Бизнинг фестивалимиз шунчаки, намойиш қилиш билангина чекланиб қолмай, балки тинчлик, ўз халқларининг бахт-саодати ва озодлиги йўлида, миллий маданиятларни равнақ топтириш йўлида, бутун инсониятнинг порлоқ келажаги йўлида халқлар олиб бораётган муқаддас курашда икки қитъа халқлари бирдамлигининг намойиши ҳам бўлсин. Ўзбекистон ҳукуматининг бошлиғи сўзини давом эттириб, азиз меҳмонларимиз республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан, Тошкент қурилиши билан танишадилар, саноат корхоналари ва музейларини, театрлар ва киностудияларини бориб кўрадилар, дейди. У меҳмонларга мурожаат қилиб, яна бундай дейди: зилзила харобалари орасидан қаддини ростлаб олган Тошкент кейинги йилларда нақадар ўзгариб кетганлигига ўзларингиз ишонч ҳосил қиласизлар. Сизлар совет Ўзбекистони кишилари билан учрашиб, улар бахтиёр тинч ҳаётларини қандай ғайри-шижоат билан қураётганликларини ўз кўзингиз билан кўрасиз ва ҳис этасиз.

Сизлар ўзбеклар диёрининг қаерига борманг, ҳамма жойда сизларни яқин дўстлардек, азиз меҳмонлардек қучоқ очиб кутиб оладилар. Кишиларимиз сизларга хушнудлик билан пешвоз чиқадилар.

Халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик боқий бўлсин! Яшасин Осиё ва Африка кинематографчиларининг бирдамлиги ва ҳамкорлиги!

Фестиваль қатнашчилари бўлган чет эллик меҳмонлар — Ҳиндистон ахборот ва радиоэшиттириш министрининг ўринбосари **Надима Сатпатхи**, Мўғулистон Халқ Республикаси маданият министрининг ўринбосари **Лодайдамба**, Бирлашган Араб Республикасининг таниқли актрисаси **Магда Комил**, Сенегаллик машҳур киноактриса **Тереза Диоп**, Гвинея республикасининг ахборот, туризм ва илмий-тадқиқот миллий институти ишлари бўйича давлат секретари **Дналло Альфе Амаду** сўзга чиқдилар.

СССР кинематографчилари союзи правлениесининг секретари А. В. Караганов Тошкент фестивалида қатнашаётган чет эллик меҳмонларга миннатдорчилик изҳор қилади. Бизнинг мураккаб давримиз санъаткорларнинг тарих олдидаги, ўз мамлакатларининг халқлари олдидаги масъулиятини янгича мезон билан ўлчашни тақозо этади. Нотиқ Совет киноси усталарининг фаолияти ҳақида гапириб, улар ўз ижодлари билан санъатдаги санъаткорлик ва гражданлик негизларининг бирбири билан чамбарчас алоқасини тасдиқлаётганликларини таъкидлайди.

Санъатга чинакам хизмат қилмоқ учун турмушдаги гўзалликни ҳис қилиш ва ҳимоя этиш, шу гўзаллик тантанаси учун курашиш лозим, Ўртоқ Караганов Ўзбекистон пойтахтидаги учрашувлар кинематографчилар қардошлигининг фестиваль шиори эзлон қилган мўътабар мақсадлар руҳидаги яхши традицияси бўлиб қолади, деб ишонч билдирди.

...Тантаналарнинг энг қизғин пайти — фестиваль байроғини кўтариш бошланади. Таниқли Совет кино артистлари — мамлакатимиз халқлари кўп миллатли оиласининг вакиллари фестиваль байроғини кўтарадилар.

Фестиваль бошланди. Фестиваль ҳозир бутун инсоният умид назари билан боқиб турган мамлакат тўғрисидаги ҳужжатли кино лентаси кўрсатиш билан бошланганлигининг символик маъноси бор.

Вьетнам. Экранда Америка агрессорлари олдида тиз чўкмаган, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун адолатли кураш олиб бораётган жар қишилар намоён бўлади. Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг жангчи операторлари уруш шароитларида суратга олган «Марказий қисмнинг озод қилиниши» фильми вьетнамлик ватанпарварларнинг ғалабага эришилган букилмас иродасидан далолат берувчи яна бир гувоҳномадир.

Шу мавзудаги яна бир картина — Россия Федерацияси кинематографчиларн тайёрлаган «Шимолий Вьетнамдан репортаж» кўрсатилди.

А. Н. Косигининнг Покистонда бўлиши тўғрисида Покистон операторлари суратга олган ҳужжатли фильм, «Л. Б. Шастри хотираси» деган кино лента (Ҳиндистон) тинчликни, халқлар ўртасидаги дўстликни тараннум этади. Совет Иттифоқи билан унга дўст бўлган мамлакатлар ўртасида сиёсий ва маданий турмушнинг ҳамма соҳаларида доимо кенгайиб бораётган алоқалар ҳақида ҳикоя қилади. Шу оқшом Бирлашган Араб Республикаси билан Япония вакилларн томошабинларни ўз халқларининг миллий урф-одатлари билан таништирдилар. Фестиваль пойтахтининг мезбонлари — ўзбек кинематографчилари ўзларининг икки асарларини: «Ўзбекистон бўйлаб саккиз минут» деган ҳужжатли фильмни ва «Революция чавандозлари» деган бадиий фильмни кўрсатдилар.

Дастлабки ленталар — дастлабки қарсаклар. Осиё ва Африка мамлакатларининг Тошкентдаги халқаро кинофестивали муваффақиятли бошланди. Фестиваль ўн кун давом этади. Шу кунлар мобайнида кўп иш қилинади, мароқли учрашувлар ўтказилади, қизғин мунозаралар бўлади.

С. ФРОЛОВА,
И. ВЕКСЛЕР,
Ю. КУКАРКИН,
Е. МАЙОРОВ,
ТАСС — ЎзТАГ мухбирлари.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ БИРИНЧИ КИНОФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Осиё ва Африка мамлакатлари биринчи халқаро кинофестивали иштирокчиларини ва меҳмонларни Совет ҳукумати номидан қизғин табриклайман. Фестивалнинг Совет Ўзбекистони пойтахтида ўтказилиши санъатнинг энг оммавий тури бўлган кинони ривожлантиришда, Осиё ва Африка халқлари дўстлигини мустаҳкамлашда янги босқичдир.

Осиё ва Африка мамлакатлари прогрессив кино санъатининг эришган муваффақиятлари совет кишилари учун яқин ва азиздир. Интернационализм, миллий маданиятларнинг бирбирини ижодий бойитиши, — Улуғ Октябрь яратган социалистик жамиятнинг мукаддас традициясидир. Ўз асарларида меҳнаткашлар оммасининг қаҳрамонларча курашини ва бунёдкорлик фаолиятини, халқлар ўртасида дўстлик ва тинчликнинг танячи Совет давлатини барпо этиш ва мустаҳкамлаш процессини акс эттирувчи кўп миллатли совет кинематографияси бу традицияни муваффақиятли ривожлантирмоқда. Социалистик маданиятнинг ривожланиши Ленининнинг кинематограф санъатнинг энг муҳим турларидан биридир, деган фикрини тамомила равшан исбот этди. Шунинг учун ҳам ҳар бир кино арбобининг ўз ижодий меҳнати учун масъулияти ҳозирги вақтда айниқса каттадир, шунинг учун ҳам тараққиёт ва реакция, инсонпарварлик ва инсонга нафрат билан қарайдиган кучлар бир-бирига қарши курашаётган ҳозирги дунёда ҳар бир кино арбобининг қандай позиция тутганлиги айниқса муҳим масаладир. Прогрессив кино арбоблари барча халқларнинг тинчлиги ва бахт-саодати йўлида империализмга қарши, мустамлакачилик ва агрессияга қарши олиб борилаётган курашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Тошкент фестивалининг «Тинчлик учун, халқларнинг социал тараққиёти ва озодлиги учун» деган олийжаноб шиорини кўп мамлакатларнинг ва қитъаларнинг кино-арбоблари қўллаб-қувватламоқдалар.

Янги халқаро кинофестивалга катта ижодий муваффақиятлар тилашга ҳамда Осиё ва Африка мамлакатларининг кино санъати миллионлаб кишиларга тинчлик, озодлик ва прогресс ғояларини етказиб, муваффақият билан ривожланади, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

А. КОСИГИН

СССР Министрлар Советининг Раиси.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети пахта йиғим-теримини ташкил этиш ва уни давлатга сотиш юзасидан районлар, колхоз ва совхозлар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобаканинг октябрь ойи тўртинчи беш кунлиги якунларини кўриб чиқдилар. Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ районида** (район партия комитетининг секретари **Мираҳмедов**, район ижроия комитетининг раиси **Назаров**, район қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи **Ортиқхўжаев**, район комсомол комитетининг секретари **Мирёқубов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Мелик-Карамян** ўртоқлар) қолдирилди. Бу район беш кунликда пахта тайёрлашда 10,39 процент, машина теримида 9,50 процент ўсишга эришган ва мавсум бошидан буён пахта тайёрлаш планини 77,03 процент, машина терими планини 90,23 процент бажарган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Оққўрғон районидаги **«Коммунизм» совхозига** (директори **Зокиров**, партия ташкилотининг секретари **Эргашев**, ишчилар комитетининг раиси **Тоғабоев**, бош агрономи **Имомов**, бош инженери **Гареев** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз беш кунликда пахта тайёрлашда 12,66 процент, машина теримида 16,58 процент ўсишга эришган ва мавсум бошидан буён давлатга пахта топшириш планини 96,3 процент, машина терими планини 110,8 процент адо этган. Байроқ Бўка районидаги 1-«Пискент» совхозидан олиб берилди.

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги **Охунбобоев номли колхозда** (раиси **Рўзиматов**, партия ташкилотининг секретари **Пўлатов**, бош агрономи **Исҳоқов**, бош инженери **Тян** ўртоқлар) қолдирилди. Бу колхоз мавсум бошидан буён давлатга 92,17 процент миқдорида пахта сотган, машина терими планини 164,06 процент адо этган ва беш кунликда пахта тайёрлашда 13,49 процент, машина теримида 28,19 процент ўсишга эришган.

356.000 тонна пахта учун

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 21 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Пахта тайёрлаш		Машина терими	
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Бир кунда	Мавсум бошидан бери
Юқори Чирчиқ	1,81	90,34	1,53	149,84
Оққўрғон	1,64	83,63	1,68	91,65
Бўка	2,02	81,07	1,97	87,52
Ўрта Чирчиқ	1,88	77,03	1,45	90,23
Бекобод	1,82	70,92	1,64	76,86
Янгийўл	1,94	63,93	1,75	64,50
Оржоникидзе	1,77	48,19	2,00	72,20
Область бўйича:	1,86	76,16	1,71	86,36

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ҚЎШИНЛАРИНИНГ ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТЕРРИТОРИЯСИДА ВАҚТИНЧА БЎЛИШИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ҲАҚИДА СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА.

Совет қўшинларининг Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида вақтинча бўлиши шарт-шароитлари тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати ўртасида 1968 йил 16 октябрда Прагада имзоланиб СССР Министрлар Совети томонидан ратификация қилиш учун тақдим этилган ҳамда СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиялари томонидан маъқулланган Шартнома РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНСИН.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1968 йил, 18 октябрь.

СОВЕТ—ЧЕХОСЛОВАКИЯ
Шартномаси ратификация қилинди

СССР Министрлар Совети Совет қўшинларининг ЧССР территориясида вақтинча бўлиши шарт-шароитлари тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган Шартномани СССР Олий Совети Президиумига тақдим қилди. Маълумки, бу Шартномани 1968 йил 16 октябрда Прагада Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, Чехословакия Социалистик Республикаси номидан ЧССР ҳукуматининг раиси О. Черник имзолаган эдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Совет қўшинларининг ЧССР территориясида вақтинча бўлиши шарт-шароитлари тўғрисида 1968 йил 16 октябрда Прагада Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати ўртасида имзоланган Шартноманы ратификация қилиш тўғрисида 18 октябрда яқдиллик билан Фармон қабул қилди. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИТТИФОҚ СОВЕТИ БИЛАН МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ТАШҚИ ИШЛАР КОМИССИЯЛАРИДА

18 октябрда Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ совети билан Миллатлар совети ташқи ишлар комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. Президиумда СССР Олий Совети Иттифоқ совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси М. А. Суслов ва СССР Олий Совети Миллатлар совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси Б. Н. Пономарев ўтиришдилар.

М. А. Суслов раислигида комиссиялар Совет қўшинларининг ЧССР территориясида вақтинча туриш шарт-шароитлари тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган ва 1968 йилнинг 16 октябрида Прагада имзоланган Шартномани ратификация қилиш ҳақидаги СССР Министрлар Советининг СССР Олий Совети Президиуми муҳокама қилиши учун тақдим этган таклифини кўриб чиқди.

Мажлисда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико доклад қилди.

Комисия аъзолари Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида Совет қўшинларининг вақтинча туриши шарт-шароитлари тўғрисида СССР ҳукумати билан ЧССР ҳукумати ўртасида тузилган шартноманы муҳокама қилиб бўлганларидан сўнг СССР Министрлар Совети таклифини яқдиллик билан маъқуллаган ва СССР Олий Совети Президиумига Шартномани ратификация қилишни тавсия этдилар.

Комиссияларнинг мажлисларида СССР Олий Совети Миллатлар совети раиси Ю. Н. Палецкис, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари армия генерали С. Л. Соколов ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛАТ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

ПРАГА, 18 октябрь. (ТАСС). Чехословакия Миллат мажлиси Совет қўшинларининг Чехословакия территориясида вақтинча бўлиши шарт-шароитлари тўғрисида 1968 йил 16 октябрь куни Прагада имзоланган Совет — Чехословакия Шартномасини маъқуллаб қарор қабул қилди.

ЧССР ПРЕЗИДЕНТИ ШАРТНОМАНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ

ПРАГА, 19 октябрь. (ТАСС). Совет қўшинларининг Чехословакия территориясида вақтинча бўлиши шарт-шароитлари тўғрисида шу йил 16 октябрда Прагада имзоланган Совет — Чехословакия Шартномасини Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Л. Свобода кеча ратификация қилди.

СОВЕТ ҚЎШИНЛАРИНИНГ ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТЕРРИТОРИЯСИДА ВАҚТИНЧА БЎЛИШИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ТЎҒРИСИДА СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДАГИ

ШАРТНОМА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Чехословакия ўртасидаги, шунингдек социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашга, ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга бутун куч-ғайратларини сарфлашга аҳд қилган ҳолда 1968 йил 3 августдаги Братислава Кенгаши Баёнотига биноан,

1943 йил 12 декабрда тузилган ва 1963 йил 27 ноябрь протоколи асосида муддати узайтирилган дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани ҳисобга олиб,

1968 йил 23-26 августда ва 3-4 октябрда Москвада бўлиб ўтган Совет—Чехословакия музокаралари давомида эришилган келишимга мувофиқ,

Ушбу Шартномани тузишга қарор бердилар ва қуйидагилар тўғрисида ўзаро келишиб олдилар.

1-МОДДА

Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси ҳукуматларининг розилиги билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати ва Чехословакия Социалистик Республикаси Ҳукумати Чехословакия Социалистик Республикасида турган совет қўшинларининг бир қисмини социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг хавфсизлигини Ғарбий Германия милитарист кучларининг қучайиб бораётган реваншчилик интилишларидан муҳофаза қилиш мақсадида Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида вақтинча қолдириш тўғрисида бир қарорга келдилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бошқа қўшинлари, шунингдек Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси ва Польша Халқ Республикасининг қўшинлари 1968 йил 23-26 августда ва 3-4 октябрда Москвада бўлиб ўтган музокараларнинг ҳужжатларига биноан Чехословакия территориясидан чиқариб олиб кетилди. Ана шу қўшинларни олиб чиқиб кетиш ҳар иккала томон мазкур Шартномани ратификация қилганидан кейин бошланади ва икки ой мобайнида босқичма-босқич амалга оширилади.

Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида вақтинча қоладиган совет қўшинларининг сони ва турадиган жойи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати ўртасида ўзаро келишиб белгиланади.

Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида вақтинча турувчи совет қўшинлари совет ҳарбий қўмондонлигига итоат қилади.

2-МОДДА

1. Совет қўшинларининг Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида вақтинча бўлиши унинг суверенитетини бузмайди. Совет қўшинлари Чехословакия Социалистик Республикасининг ички ишларига аралашмайди.

2. Совет қўшинлари, уларнинг составига кирувчи кишилар ва шу кишиларнинг Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида турган оила аъзолари Чехословакия Социалистик Республикасида амалда бўлган қонунларга риоя қиладилар.

3-МОДДА

1. Чехословакия Социалистик Республикаси территориясидаги совет қўшинларининг таъминотини Совет томони ўз зиммасига олади.

2. Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати совет қўшинлари, уларнинг составига кирувчи кишилар ва шу кишиларнинг оила аъзолари Чехословакия Социалистик Республикасида вақтинча бўлган даврда уларга ҳарбий шаҳарчаларда казарма ва уй-жой фондини, хизмат биноларини, омбор ва бошқа биноларни, доимий иншоотларни ва асбоб-ускуналари бўлган аэродромларни, давлат алоқа ва транспорт тармоғи воситаларини, электр энергия ва бошқа воситаларни бериб туради.

Полигонлар, отиш жойи ва машқ қилиш майдонларидан Чехословакия халқ армияси билан биргаликда фойдаланилади.

Мазкур объектлар, шунингдек коммунал, савдо муассасалари ва бошқа муассасалардан фойдаланиш тартиби ва шартларини Аҳдлашувчи томонлар ўзаро келишиб оладилар.

4-МОДДА

Совет ҳарбий қисмлари, совет қўшинлари составига кирувчи кишилар ва шу кишиларнинг оила аъзолари Чехословакия Социалистик Республикасидаги совет қўшинлари жойлашган ерларга ва Чехословакия Социалистик Республикасидан Совет Иттифоқига қаратилган поезд ва вагонлар, шунингдек, бир мамлакат вагонларидан иккинчи мамлакат вагонларига ўтиб, шунингдек, автомобиль ва ҳаво транспортида бориб-келишлари мумкин.

Совет қўшинлари составига кирувчи кишилар ва шу кишиларнинг оила аъзолари Чехословакия Социалистик Республикасига кириш, унинг территориясида туриш ва ундан чиқиб кетиш вақтида паспорт ёки рухсатнома назоратидан озод қилинадилар. Совет—Чехословакия чегарасидан ўтиш пунктлари ва тартиби, назорат усуллари, шунингдек тегишли ҳужжатларнинг турлари ва формаларини Аҳдлашувчи томонлар ўзаро келишиб белгилайдилар.

5-МОДДА

Чехословакия томони:

— Совет қисмлари, бўлинмалари ва командалари составида бораётган совет қўшинларини ва уларнинг составига кирувчи кишиларни;

— ҳамма ҳарбий юкларни, шу жумладан совет қўшинларига савдо-маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган юкларни;

— совет қўшинлари составига кирувчи ҳамда якка тартибда ёки ўз оила аъзолари билан бирга Чехословакия Социалистик Республикасига бораётган ёки Чехословакия Социалистик Республикасидан чиқиб келаётган пайтда таможня органларига Чехословакия Социалистик Республикаси давлат чегарасидан ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларини кўрсатган тақдирда бундай кишиларни шахсий фойдаланишдаги буюмлари билан бирга Чехословакия Социалистик Республикаси давлат чегарасидан пошлина олмай, таможня ва чегара текшируви қилмай ўтказиб туришга розилик билдиради.

Совет томони Чехословакия Социалистик Республикасига олиб кирган мол-мулк, анжомлар ва ҳарбий техникани пошлина ва солиқ тўламасдан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига олиб чиқиб кетиши мумкин.

6-МОДДА.

1. Чехословакия Социалистик Республикасида вақтинча турган совет қўшинларининг шахсий составига, совет қўшинлари составига кирувчи кишиларнинг оила аъзоларига савдо-маиший хизмат совет савдо-маиший корхоналари орқали кўрсатилади.

2. Чехословакия томони совет савдо-маиший корхоналарига Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикасининг мўътабар савдо ташкилотлари ўртасида келишиб олинган миқдордаги товарларни Чехословакия Социалистик Республикасидаги мавжуд давлат чакана нархлари билан, Чехословакия Социалистик Республикасининг тегишли савдо корхоналари учун қабул қилинган савдо чегирмаси берилган ҳолда етказиб бериб туради.

Етказиб берилган товарлар учун ҳисоб-китоб Чехословакия Социалистик Республикасининг валютаси билан қилинади.

3. Чехословакия томони тегишли совет ва чехословак ташқи савдо ташкилотлари ўртасида тузилган битимларга биноан, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларида амалда бўлган нархлар билан совет қўшинларини планли таъминлаш учун озиқ-овқат ва саноат товарларини, шу жумладан, ёқилғи (кўмир, кокс, ўтин)ни келишиб олинган миқдорларда етказиб бериб туради.

7-МОДДА

Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати совет қўшинларининг Чехословакия территориясида вақтинча бўлишига боғлиқ харажатлар учун зарур миқдордаги чехословак кронини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматига бериб туради. Бу пулнинг миқдорини Аҳдлашувчи томонларнинг мўътабар органлари ўзаро келишиб белгилайдилар.

8-МОДДА

Ушбу шартноманинг 3-моддасида кўзда тутилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби, шунингдек 7-моддага биноан бериб туриладиган чехословак кронининг миқдори ушбу шартнома кучга киргандан кейин бир ярим ой муддат ичида Аҳдлашувчи томонлар ўртасидаги қўшимча битим билан белгиланади. Чехословак кронини сўмга айлантириб ҳисоблашда Чехословакия Социалистик Республикасидаги ички нарх-наво ва тарифлар билан ташқи савдо нарх-наволари нисбатига асосланилади.

9-МОДДА

Совет қўшинларининг Чехословакия Социалистик Республикасида вақтинча бўлишига алоқадор юрисдикция масалалари қуйидаги тарзда ҳал қилинади.

1. Совет қўшинлари составига кирувчи кишилар ёки уларнинг оила аъзолари Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида қилган жиноятлар ва ножўя ҳаракатлар тўғрисидаги ишларга нисбатан Чехословакия қонунлари татбиқ этилади ҳамда Чехословакия судлари, прокуратураси ва жазога лойиқ хатти-ҳаракатларни текшириш масалалари билан шуғулланувчи бошқа чехословак органлари иш кўради.

Совет ҳарбий хизматчилари қилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳарбий прокуратураси тергов қилади ва ҳарбий юстиция органлари қараб чиқади.

2. Ушбу модданинг биринчи бандидаги қоидалар қуйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди.

а) совет қўшинлари составига кирувчи кишилар ёки уларнинг оила аъзолари фақат Совет Иттифоқига қарши, шунингдек совет қўшинлари составига кирувчи шахсларга ёки уларнинг оила аъзоларига қарши жиноят ёки ножўя ҳаракат қилган тақдирда;

б) совет қўшинлари составига кирувчи шахслар ҳарбий қисмлар жойлашган районларда хизмат бурчини адо этаётган вақтда жиноят ёки ножўя ҳаракат қилган тақдирда.

«А» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган ишлар билан совет қонунлари асосида иш кўруви совет судлари, прокуратураси ва бошқа органлари шуғулланадилар.

3. Чехословакия Социалистик Республикаси қуролли кучларига ва уларнинг составига кирувчи шахсларга қарши қаратилган ва жазога лойиқ ҳаракатларнинг айбдорларга қандай жавобгарликка тортилса, Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида вақтинча турган совет қўшинларига қарши, шунингдек шу қўшинлар составига кирувчи шахсларга қарши қаратилган ва жазога лойиқ ҳаракатлар қилинган тақдирда ҳам унинг айбдорлари худди шундай жавобгарликка тортилади.

4. Мўътабар совет ва чехословак органлари айрим ишларни уларнинг қўлига топшириш ёки шу ишларга нисбатан ушбу модданинг биринчи ва иккинчи бандида кўзда тутилган юрисдикцияни татбиқ этишни сўраб, бир-бирларига мурожаат қилишлари мумкин. Бундай илтимослар хайрихоҳлик билан қараб чиқилади.

5. Мўътабар совет ва чехословак органлари ушбу модданинг 1, 2 ва 3 бандларида кўрсатилган жазога лойиқ ҳаракатларни текшириш масалалари юзасидан бир-бирларига ўзаро ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёрдам бериб турадилар.

10-МОДДА

1. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати совет ҳарбий қисмларининг ёки шу қисмлар составидаги шахсларнинг ҳаракатлари ёки янглиш ишлари натижасида Чехословакия давлатига етказилиши мумкин бўлган моддий зарар учун, шунингдек совет ҳарбий қисмлари ёки шу қисмлар составидаги шахслар хизмат бурчини адо этиш вақтида чехословак гражданларига, муассасаларига ёки бошқа давлатларнинг Чехословакия Социалистик Республикаси территориясидаги гражданларига етказиши мумкин бўлган зарар учун Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматига товон тўлашга рози. Ҳар иккала ҳолда бу товон совет қўшинларининг Чехословакия Социалистик Республикасида вақтинча бўлиши ишлари билан шуғулланувчи ва ушбу шартноманинг 13-моддасига биноан тайинланувчи вакиллар томонидан (тақдим этилган талабнома асосида ва Чехословакия қонунларини ҳисобга олган ҳолда) белгиланган миқдорда тўланади.

Совет ҳарбий қисмларининг мажбуриятларидан келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ҳам ана шу асосда қараб чиқилади.

2. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати совет қўшинлари составидаги шахслар томонидан хизмат бурчини адо этмаётган вақтда қилинган ҳаракатлар ёки янглиш ишлар натижасида, шунингдек совет қўшинлари составидаги шахсларнинг оила аъзолари қилган ҳаракатлар ёки янглиш ишлар натижасида Чехословакия муассасаларига ва гражданларига, шунингдек бошқа давлатларнинг Чехословакия Социалистик Республикаси территориясидаги гражданларига етказилиши мумкин бўлган зарар учун ҳам Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматига товон тўлашга рози. Ҳар иккала ҳолда бу товон зарар етказган кишига тақдим этилган талабнома асосида мўътабар чехословак суди белгилаган миқдорда тўланади.

11-МОДДА

1. Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати, Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида вақтинча турган совет ҳарбий қисмларининг мол-мулкига ва совет қўшинлари составига кирувчи шахсларга Чехословакия давлат муассасаларининг ҳаракатлари ёки янглиш ишлари натижасида етказилиши мумкин бўлган зарар учун Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматига товон тўлашга рози. Бу товон тақдим этилган талабномалар асосида ва Чехословакия қонунларини ҳисобга олган ҳолда совет қўшинларининг Чехословакия Социалистик Республикасида вақтинча бўлиши ишлари билан шуғулланувчи Вакиллар томонидан белгиланган миқдорда тўланади.

Чехословакия давлат муассасаларининг совет ҳарбий қисмлари олдидаги мажбуриятларидан келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ҳам шу асосда қараб чиқилади.

2. Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида вақтинча турган совет ҳарбий қисмларига, совет қўшинлари составига кирувчи шахсларга ва шу шахсларнинг оила аъзоларига чехословак гражданларининг ҳаракатлари ва янглиш ишлари натижасида етказилиши мумкин бўлган зарар учун ҳам Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматига товон тўлашга рози. Бу товон зарар етказган кишиларга тақдим этилган талабнома асосида чехословак суди томонидан белгиланган миқдорда тўланади.

12-МОДДА

10 ва 11-моддаларда кўзда тутилган товонни Томонлар совет қўшинларининг Чехословакия Социалистик Республикасида вақтинча бўлиши ишлари билан шуғулланувчи вакиллар қарор қабул қилган ёки суд қарори кучга кирган кундан бошлаб уч ой мобайнида тўлайдилар.

Зарар кўрган шахсларга, қисмларга ва муассасаларга берилиши лозим бўлган товонни 10-моддада кўзда тутилган ҳолларда Чехословакия мўътабар органлари, 11-моддада кўзда тутилган ҳолларда совет мўътабар органлари тўлайдилар.

13-МОДДА

Совет қўшинларининг Чехословакия Социалистик Республикасида вақтинча туришига алоқадор кундалик масалаларни лозим бўлган даражада ҳал қилиб туриш мақсадида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати совет қўшинларининг Чехословакия Социалистик Республикасида вақтинча бўлиши ишлари билан шуғулланувчи ўз Вакилларини тайинлайдилар.

14-МОДДА

1. Ушбу Шартнома талқиндаги:

«Совет қўшинлари составига кирувчи шахс»:

а) Совет Армиясининг ҳарбий хизматчиси;

б) совет граждани бўлган ва Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида вақтинча турган совет қўшинлари қисмларида ишловчи граждан шахсидир.

2. «Совет қўшинлари составига кирувчи шахсларнинг оила аъзолари»:

а) рафиқалар,

б) никоҳда бўлмаган болалар,

в) шу шахсларнинг қарамоғида бўлган яқин қариндошлардир.

3. «Қўшинлар жойлашган ер» — Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан Совет қўшинлари ихтиёрига ажратиб берилган ва ҳарбий қисмлар турган жойни ҳам ўз ичига олган территориядир.

15-МОДДА

Ушбу Шартнома иккала Томон ратификация қилганидан кейин кучга киради ва совет қўшинларининг Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида вақтинча бўлиши даврида амал қилиб туради.

Шартнома Аҳдлашувчи томонларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Шартнома 1968 йил 16 октябрда ҳар бири рус ва чех тилларида икки асл нусхада Прага шаҳрида тузилди, иккала текст бир хил кучга эга.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси
А. КОСИГИН

Чехословакия Социалистик Республикаси Ҳукуматининг Раиси
О. ЧЕРНИК

БАЙРАМ ВАХТАСИДА

Шонли Ленин комсомолининг 50 йиллиги вахтасида туриб меҳнат қилаётган Марҳамат Исроилова (чапда) пойтахтдаги «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси чеварларидан. У кунлик иш топшириқларини доимо 125-130 процентга етказиб адо этмоқда. Марҳаматхон комсомол ташкил топган кун— 29 октябргача ўн ойлик планни ортиғи билан бажариш учун курашяпти

● ● ●

Сиз ўнгдаги суратда пойтахт областининг Калинин районидаги Келес посёлкасида жойлашган 7-ғишт заводи кранчиси Флора Воҳидовани кўриб турибсиз. Меҳнатсевар кранчи ҳар куни ўз крани билан 60-70 минг дона ғиштни машиналарга ортиб бермоқда.

Н. Тўраев ва Б. Сафаров фотолари.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 21 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Хўжаликларнинг номи	Мавсум бошидан бери	Машина терими	Қайси райондан
КОЛХОЗЛАР			
1. «Заря коммунизм»	121,88	122,98	Оққўрғон
2. Ҳамза номли	121,17	121,20	Оққўрғон
3. «Гулистон»	116,31	101,80	Оққўрғон
4. «Победа»	113,26	110,89	Оққўрғон
5. «Гулистон»	113,12	128,60	Бўка
6. Ленин номли	111,08	106,82	Оққўрғон
7. «Победа»	110,30	117,33	Бекобод
8. «Ленинград»	109,86	110,94	Оққўрғон
9. «Ленинобод»	109,33	106,70	Бўка
10. «Октябрь 40 йиллиги	108,78	115,23	Бўка
11. Киров номли	107,57	115,38	Оққўрғон
12. Терешкова номли	107,56	179,30	Ўрта Чирчиқ
13. Димитров номли	106,54	108,71	Оққўрғон
14. Калинин номли	106,18	106,38	Оққўрғон
15. «Партия XXII съезди»	106,17	107,60	Ўрта Чирчиқ
16. Тимирязев номли	105,02	110,02	Бўка
17. «Москва»	103,58	93,99	Оққўрғон
18. «Озод»	103,31	112,05	Оққўрғон
19. Ленин номли	101,00	109,00	Бўка
20. «Ўзбекистон»	100,52	140,25	Юқори Чирчиқ
21. «Партия XX съезди»	98,82	111,25	Бўка
22. Сверлов номли	98,81	98,07	Оққўрғон
23. Охунбобоев номли	97,28	98,97	Оққўрғон
24. «Ленинский путь»	96,86	162,00	Юқори Чирчиқ
25. Жамбул номли	96,82	94,46	Бўка
26. Навоий номли	96,08	95,91	Оққўрғон
27. «Политотдел»	93,33	182,95	Юқори Чирчиқ
28. Охунбобоев номли	92,17	164,06	Ўрта Чирчиқ
29. «Партия XXII съезди»	92,13	95,11	Оққўрғон
30. Калинин номли	90,87	95,05	Бўка
31. К. Маркс номли	90,84	134,80	Юқори Чирчиқ
32. «Ленинизм»	90,31	98,54	Оққўрғон
33. «Партия XIX съезди»	89,92	97,88	Бўка
34. К. Маркс номли	89,74	98,77	Бўка
35. Энгельс номли	86,95	87,25	Оққўрғон
36. «Ленин йўли»	86,80	176,78	Ўрта Чирчиқ
37. Свердлов номли	86,26	127,95	Ўрта Чирчиқ
38. Ленин номли	84,98	10,46	Бекобод
39. «Ленинизм»	84,67	103,57	Бўка
40. «Коммунизм»	83,83	106,70	Бўка
41. К. Маркс номли	83,53	86,76	Ўрта Чирчиқ
42. «Правда»	82,52	135,50	Ўрта Чирчиқ
43. «Ленин йўли»	81,56	69,89	Бўка
44. «Ленинизм»	80,60	80,76	Янгийўл
45. Охунбобоев номли	80,33	98,38	Бўка
46. Свердлов номли	80,14	80,00	Бўка
47. Ҳамза номли	80,14	80,30	Бўка
48. Х. Олимжон номли	78,94	92,07	Оққўрғон
49. Навоий номли	78,81	85,81	Бекобод
50. Куйбишев номли	78,49	72,96	Ўрта Чирчиқ
51. «Полярная звезда»	78,23	136,30	Ўрта Чирчиқ
52. Жданов номли	77,24	105,10	Янгийўл
53. «Коммунизм»	76,27	119,50	Бекобод
54. К. Маркс номли	76,14	68,30	Оққўрғон
55. «Коммунизм»	75,95	65,30	Оққўрғон
56. Тельман номли	75,65	93,87	Бўка
57. Калинин номли	75,17	72,00	Янгийўл
58. Ботинцев номли	74,10	82,06	Оққўрғон
59. Навоий номли	73,90	63,80	Янгийўл
60. Ленин номли	72,06	76,30	Ўрта Чирчиқ
61. «Партия XXI съезди»	71,58	57,27	Янгийўл
62. Куйбишев номли	71,43	79,18	Оққўрғон
63. «Северный маяк»	70,66	78,22	Ўрта Чирчиқ
64. Фрунзе номли	70,56	70,31	Бўка
65. «Октябрь 40 йиллиги»	69,74	67,23	Янгийўл
66. Энгельс номли	68,76	66,61	Ўрта Чирчиқ
67. «Коммунизм»	68,43	72,70	Янгийўл
68. «Москва»	68,42	49,60	Янгийўл
69. Калинин номли	68,38	68,40	Ўрта Чирчиқ
70. «Коммунизм»	67,79	59,24	Ўрта Чирчиқ
71. «Ленинобод»	67,61	70,61	Оққўрғон
72. Свердлов номли	67,15	140,90	Ўрта Чирчиқ
73. Киров номли	67,10	67,48	Янгийўл
74. Ленин номли	66,24	72,72	Янгийўл
75. Дзержинский номли	66,14	72,62	Бекобод
76. «Интернационал»	65,55	72,57	Янгийўл
77. Сведлов номли	65,50	47,09	Янгийўл
78. Мичурин номли	65,33	73,25	Бўка
79. К. Маркс номли	63,70	45,64	Янгийўл
80. Ниёзов номли	62,97	58,11	Янгийўл
81. С. Рахимов номли	62,23	54,32	Янгийўл
82. Ильич номли	61,54	67,47	Бўка
83. Охунбобоев номли	60,26	69,86	Янгийўл
84. Энгельс номли	59,00	63,45	Янгийўл
85. Фрунзе номли	58,40	76,27	Янгийўл
86. Х. Турсунқулов номли	54,16	26,08	Янгийўл
87. «Октябрь»	53,75	50,57	Янгийўл
88. «Қизил Ўзбекистон»	52,13	—	Оржоникидзе
89. «ЎзССР 30 йиллиги»	51,83	52,71	Янгийўл
90. «Ленинград»	45,19	49,25	Янгийўл
СОВХОЗЛАР			
1. «Коммунизм»	96,31	110,83	Оққўрғон
2. «ЎзССР беш йиллиги»	82,86	97,86	Оққўрғон
3. «Бўка»	76,59	82,27	Бўка
4. 3-«Далварзин»	74,47	86,86	Бекобод
5. Киров номли	71,11	79,45	Ўрта Чирчиқ
6. «Оққўрғон»	70,60	78,08	Оққўрғон
7. 1-«Пискент»	68,79	79,69	Бўка
8. 2-«Пискент»	68,35	67,62	Бўка
9. Ойбек номли	68,19	72,51	Бекобод
10. Сегизбоев номли	67,87	78,45	Оққўрғон
11. 1-«Далварзин»	62,82	66,94	Бекобод
12. 1-«Кўкорол»	57,03	60,56	Бўка
13. 2-«Далварзин»	53,74	54,52	Бекобод

ОЛТИНПАЗЛАР

Колхоз идорасига келиб партком секретари билан колхознинг «Беш йиллик» участкаси томон йўл олдик.

Участка колхоз марказидан анча олисда экан. Участка бошлиғи звено бошлиқларини тўплаб, янги режаларни тузаётган вақтда етиб бордик.

— Биринчи теримни тугатиб, иккинчи теримни бошлаб юбордик. Ҳозир кунига давлатга 2—2,5 процент миқдорида пахта сотаяпмиз, — деди участка бошлиғи. Механик-ҳайдовчи Кан Василий звеноси теримда пешқадамлик қиляпти. У кунига колхоз хирмонига 4,5 — 5 тоннадан пахта тўкаяпти. Кан Василийнинг пахта тераётган пайкалида қорачадан келган, ўрта бўйли бир йигит машинасини тўхтатиб, ёнимизга келди.

— Мана илгор звеномиз Кан Василий шу бўлади, — деди участка ҳисобчиси Аҳмад Чўтчаев.

— Кан Василий 6 йилдан бери механизаторлик қилади. Машинада пахта теришда илгорлардан.

— Қанча тердингиз шу кунгача?

— 60 тонна, — жавоб берди. У — Мавсумда 75 тонна пахта териш мажбуриятини олганман. Ваъдамни ошириб бажараман.

Кан Василий звеноси бу йил 53 гектар пахта майдонидан пландаги 24 ўрнига 40,3 центнердан «оқ олтин» кўтаришга ваъда беришган.

Колхозда план тўлди. Энди улар ҳар гектар пахта майдонидан 24 эмас 34 центнердан хосил кўтариш ниятидалар. Кўз илгамас бепоён пахтазорларда 15 та «зангори кема» сузиб юрибди. 38 тележка терилган пахтани пешма-пеш манзилга элтяпти. Р. Хабиев, М. Холматов, Юн Герман сингари дала лочинлари далага довруғ таратиб астойдил меҳнат қилишмоқда.

Пешқадам олтинпазларга ғалаба ёр бўлсин, дейміз.

Х. АҲМЕДОВ.
Оққўрғон районидаги Ленин номли колхоз.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ЖУН

Чорвачиликни ривожлантириш ва давлатга кўплаб маҳсулотлар етказиб бериш учун курашаётган Янгийўл районининг чорвадорлари қузги жун қирқишни муваффақиятли якунладилар. Районда жун тайёрлаш йиллик плани 104,6 процент бажарилди.

Район колхоз ва совхозлари давлатга 1969,5 центнер ёки планда белгиланганидан 87,5 центнер ортиқ жун етказиб бердилар. Ўтган йилнинг худди шу давридагига қараганда 217 центнер кўп жун тайёрланди.

Эришилган ғалабага, айниқса, Жамбул номли қўйчилик совхози чорвадорлари катта ҳисса қўшдилар. Улар жун тайёрлашни ўтган йилга қараганда 165 центнер кўпайтирдилар. Хўжалик давлатга 872 центнер ўрнига 941,7 центнер жун сотиб, планни 108 процент қилиб бажарди. Совхознинг илғор чўпонлари ҳар бир қўйдан 2—2,5 килограммдан жун қирқиб олишга эришдилар.

Шунингдек, Жданов номли, Киров номли, Охунбобоев номли, Навоий номли, Энгельс номли, «Октябрь 40 йиллиги», Калинин номли ва Н. Ниёзов номли колхозларда ҳам қузги жун қирқиш мавсуми муваффақиятли ўтказилди. Бу хўжаликларнинг чўпонлари жун тайёрлаш йиллик планларини 110—124 процент қилиб адо этдилар.

Район колхоз ва совхозлари давлатга жун сотишни давом эттирмоқдалар.

М. ПЕЙСЕНОВ.

СУРЪАТ ТЕЗЛАШТИРИЛМОҚДА

Оржоникидзе районидаги Ленин орденли Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтининг 620 гектардан иборат пахта майдонида терим-суғориш кун сайин оширилмоқда.

Бу ерда пахтани машиналарда териб олишга катта аҳамият берилаётир. Ҳозир институт пахта далаларида 16 та «зангори кема» жавлон урмоқда. Механизаторлардан Сансизбой Ўрозбоев ва Алимқул Сафаровларнинг меҳнатлари баракали бўлмоқда.

Бу икки шоввознинг ҳар бири ҳар куни «пўлат от» бункерларидан 5—6 тоннадан пахта тўкмоқда.

Қ. ЮЛДОШЕВ.

ФЕРМА ЮЛДУЗИ

Санобархон фермага ишга келганида унга уста сигир соғувчи Насиба Тожибоева яқиндан ёрдам берганди. Санобархон ёш бўлсаям, тиришқоқ қиз экан, сал вақт ўтмай илғорлар қаторидан муносиб ўрнини топди.

— Интилганга толе ёр, дейишади. Санобархон ҳам ана шу касбга меҳр қўйганидан, ўз орзусига эришди. Ҳозир у 20 бош сигирни боқиб, уларни ўзи соғяпти, — дейди у ҳақда устозн.

— Бу йил, — дейди Санобархон ҳар бош сигирдан 2000 литрдан сут соғиб олмоқчиман.

Фермада Санобархондек ўтюрак қизлар жуда кўп. Қутби Хўжаназарова, Мақсуда Тожибоева, Лида Худайбердиевалар ҳам сут соғиб олиш планларини доимо ошириб уддаляяптилар. Улар шу кунгача ҳар бош сигирдан 1500—1600 литрдан ошириб сут соғиб олишди.

Калинин районидаги Навоий номли колхознинг сут товар фермасида бўлган киши, ана шундай меҳнатсевар қизларнинг фидокорона меҳнатларини кўриб қувонади.

Колхоз комсомол ташкилотининг секретари Улканбой Бозоров ёшларнинг ВЛКСМ 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тўйига муносиб тўёна ҳозирлаётганликлари ҳақида бундай деди:

— Тўйга тўёна билан борамиз! Беш йилликнинг учинчи йилида 235 бош сигирдан ҳаммаси бўлиб 520 тонна сут соғиб олмоқчимиз.

Улар ўз сўзларининг устидан чиқишади, бунга ишончимиз комил.

Ж. РАЗЗОҚОВ,
Калинин райони.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲАФТАЛИГИ

ДАККА (Шарқий Покистон), 19 октябрь. (ТАСС). Бу ерда Ўзбекистон ССР ҳафталиги тамом бўлди. 12 октябрда Даккада очилган виставкада совет Ўзбекистони ҳаётининг турли соҳаларини тасвирловчи 70 та сурат намойиш қилинди. Ҳафталик давомида Покистон — Совет дўстлиги жамиятлари уюштирган семинар ўтказилди. Семинар иштирокчилари Даккада Ўзбекистон ҳафталиги иккала мамлакат халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни яхшилашга ёрдам беради ва улар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлайди деб ишонч билдирдилар.

Ҳафталик охирида ўзбек халқининг Совет ҳокимияти йиллари мобайнида эришган муваффақиятлари тўғрисидаги ҳужжатли фильм кўрсатилди.

Аёлларнинг кўпчилиги ишлайдиган бизнинг замонамизда эркаклар идиш-товоқ ювиш, нонушта тайёрлаш, энг зарур нарсаларни харид қилиш билан бирга уйда ёш болаларга қараб туришни ҳам билишлари лозим. Англиядаги Кент шаҳридаги Маргейт туғруқхонасида ёш оналар учун очилган тайёрлов курслари шу мушкул масалани ҳал қилишда ёрдам беради. Суратда: ёш оналар машғулот пайтида.

Кейстон — ТАСС фотоси.

Г. ГУСАК НУТҚИ

ПРАГА, 20 октябрь. (ТАСС). Вага дарёси бўйидаги Трнюцеда (Ғарбий Словакия области) кеча Жанубий Словакия аҳолисининг фашизм ҳавфига қарши ҳамда Чехословакия давлатини ҳимоя қилиш юзасидан бўлиб ўтган катта намойишнинг 50 йил тўлишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. ЧТК агентлигининг хабар беришича, йиғилишда шу намойиш иштирокчиларидан бири, Словакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Г. Гусак нутқ сўзлади.

У Чехословакия озод этилган кундан бошлаб социалистик қурилишни ривожлантиришда эришилган муваффақиятларни кўрсатиб ўтди. Г. Гусак яна Чехословакия Компартияси социалистик демократияни ривожлантириб, кенг имкониятлар яратганлигини уқтириб ўтди.

«Биз келажакдаги тараққиётимизга умидворлик билан қарайміз, деди сўзининг охирида Г. Гусак. — жамиятимизнинг раҳбар кучи бўлган партиямизнинг демократик принципларни изчиллик билан амалга оширувчи жангговор партия бўлиб қолиши учун зарур бўлган ҳамма ишларни қиламиз. Аммо биз шуни билиб олишимиз керакки, «демократия» тушунчаси бизда ҳозирги вақтда жавобгарлик ҳис-туйғуларини янада кўп даражада ўз ичига олади».

ТИНЧЛИК ВА ҲАВФСИЗЛИК ИШИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

СОФИЯ. (ТАСС). Болгария газеталари совет қўшинларининг Чехословакия Социалистик Республикаси территориясида вақтинча бўлиш шарт-шароитлари тўғрисидаги Совет-Чехословакия шартномасининг имзоланганлигини кенг шарҳламоқдалар. Бу газеталар, деб хабар беради БТА агентлиги, ўз бош мақолаларида ва шарҳларида ана шу шартнома Европада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик ишига янги ҳисса бўлиб қўшилди, деб таъкидламоқдалар.

«Работническо дело» газетаси ўзининг бош мақоласида бундай деб ёзади: Болгария коммунистлари, бутун болгар халқи Совет-Чехословакия шартномасини тамомила маъқуллайдилар. Бу шартнома Чехословакиядаги аҳволни чиғаноқ нормаллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиб беради. Улар бу шартномани социалистик мамлакатлар ҳаётидаги катта воқеа деб ҳисобламоқдалар. Болгария Коммунистик партияси ва Болгария ҳукумати ўз интернационал бўрчларини бажардилар ва бажармоқдалар. Улар социалистик ҳамдўстлик қудратини мустаҳкамлаш учун, қардош давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш учун, империализмга қатъий зарба бермоқ учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрдилар ва бундан буён ҳам кўраверадилар. Бу йўл ва сиёсат миллий манфаатларга энг мос бўлганидек, социализм, тинчлик ва тараққиёт манфаатларига ҳам тамомила мос бўлиб тушади.

«Труд» газетаси бундай деб ёзади: империалистик кучлар ҳозирги дунёда халқаро вазиятни кескинлаштиришга уринаётган бир пайтда ҳар бир социалистик мамлакатнинг барча социалистик мамлакатлар билан, биринчи галда Совет Иттифоқи билан дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш шу мамлакат хавфсизлиги ва мустақиллигининг энг ишончли гаровидир.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

АҚШ

НЬЮ-ЙОРК. «Женерал моторс» компаниясининг Флинтдаги (Мичиган штати) запас қисмлар ишлаб чиқарилаётган автомобиль заводида 17 минг ишчининг забастовкаси бошланди. Бу забастовка ишчилар союзи билан музокараларни чўзиб юборишга, иш шароитини ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш тўғрисида қўйган талабларини қондиришдан бўйин товлаган корхона эгаларининг найрангларига жавобан ўтказилди. Компания вакиллари бошланган забастовка мамлакатнинг 6 штатидаги камида 8 автомобиль йиғув заводларининг ишини тўхтатиб қўяди, дедилар.

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. Франциянинг энг йирик буржуй газеталаридан бири — «Фигаро» газетаси нашр этила бошлагандан бери биринчи марта дўконларига нетпирилмади. «Фигаро» газетасининг редакторлари ва журналистлари яқиндлик билан бир кунлик «огохлантириш» забастовкаси ўтказдилар. Улар газетанинг йирик француз заводчиларига қарашли маъмурий кенгашида ўз вакиллари сақланиб қолишини талаб қилмоқдалар. Газета эгалари эса, журналистлар ва редакторларнинг ҳуқуқларини эгачгина, қирқиб қўйишга қаракат қилмоқдалар.

Умумий меҳнат конфедерациясига кирувчи журналистлар миллий касаба союзининг бюроси эълон қилган баёнотда хўжайинларнинг ўзбошимчалигига қарши чиққан «Фигаро» журналистлари билан ўзининг бирдамлигини изҳор этади.

КОСТА-РИКА

САН-ХОСЕ. Банан компаниясининг Лимон портида (Коста-Рика) ишловчи ишчилари забастовка эълон қилдилар. Улар иш ҳаки жуда камайтириб юборилганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар. Компания эгаси иш ташлаганларнинг одилона талабларини кўриб чиқишни истамай, граждан гвардияси (қишлоқ жандармерияси) солдатларини ёрдамга чақирди. Ишчилардан ўч олиш учун кўкдан ёғи оқизадиган бомбалар ишга солинди. Ишчилар билан жандармлар ўртасида қаттиқ олишув бўлди.

МИЛИТАРИСТИК САФАР

Бонн дипломатияси кейинги кунларда яна активлашиб қолди. Ғарбий Германиянинг юқори мартабали давлат арбоблари планетамизнинг турли мамлакатларида юргиб юришди. Улар Осиёнинг баланд тоғлари ораси да жойлашган кичик мамлакатларда ҳам, Африканинг чакалакзор ва кўллар билан ўралган узоқ давлатларида ҳам бўлишяпти.

Мана шу кунларда Бонн дипломатияси раҳбари Ғарбий Германия ташқи ишлар министри Вилли Брандт Латин Америкаси сафарида. У қитъаниинг Чили, Аргентина, Уругвай, Бразилия сингари йирик давлатларида бўлади.

Вилли Брандт сафар олдидан Боннда ўтказган матбуот конференциясида «сафарнинг асосий мақсади океан ортидаги давлатларга иқтисодий ва сиёсий таъсир кун оша ортиб бораётган Ғарбий Германиянинг ички ва ташқи сиёсатини янада чуқурроқ тушунтиришдир» деб айтди. Лекин Брандт бу баёнот билан ўз сафарининг асосий мақсадини яшириб, кўпчилиқни чалғитмоқчи бўлди.

Бонн дипломатияси бошлиғининг Латин Америкаси мамлакатларига сафари бутунлай бошқа мақсадларни кўзлайди. Бу аввало, Ғарбий Германия саноат монополиялари манфаатларини кўзлаб қилинаётган сафардир. Иккинчидан, Вилли Брандт Боннинг шармандаси чиққан агрессив «янги шарқий сиёсати»ни Латин Америкаси мамлакатларига маъқул қилиб олмоқчи.

Маълумки, Рейн соҳилларидан юргизилаётган «янги шарқий сиёсат» аслида Гитлернинг эски босқинчилик сиёсати давомидир. Бу сиёсат заминида Европада гегемонлик қилиш ва янги «дранг нах остен» тайёрлаш программалари ётади. Бунн на ўлаб сафарлар, на пропагандистик шов-шувлар билан яшириб бўлмайди.

«Улуг Германия» тузиш касалига мубтало бўлган Ғарбий Германия маъмурлари реваншизм, милитаризм ва ўзгалар ерига кўз олайтириш сиёсати жаҳоннинг ҳеч қайси нуқтасида ҳеч ким томонидан кўллаб-қувватланмаслигини қайсарлик билан рад қилмоқдалар. Бу сиёсат, аввало, Ғарбий Германиянинг ўзи учун ҳалокатли эканлигини Боннда ҳамма тушунмоқлари лозим.

Агар Америка Қўшма Штатлари Латин Америкасини «жаноб доллар дунёсига» бўйсундиришга уринаётган бўлса, Бонн жон-жаҳди билан қитъани Ғарбий Германия марказ дунёсига қарам қилиб олмоқчи.

Бонн дипломатиясининг Латин Америкасидаги ваколатлари, менинг илтимосимни қондириб, газетангиз саҳифасида эрим бўлмиш Иброҳим Ўруновнинг оталик шарафига лойиқ киши эканлигини, ўз фарзандларини ташлаб, саёқ йўлларга кириб кетганлигини фош этганингиз, эл-юрт олдида шарманда-ю, шармисор қилганингиз учун миннатдорман.

Мақола чиққандан кейин милиция бўлимига мени бир-икки марта чақиришди. Мен ўз дард-ҳасратимни айтиб, Ўруновдан фарзандларимга нафақа ундириб беришда ёрдам кўрсатишларини сўрадим. Афсуски, шу кунгача эримдан ҳеч қандай нафақа ундириб берилгани йўқ. Шунга қарамай, бир ярим йилдан бери нафақа тўлашдан бош тортиб юрган Ўруновга нисбатан ҳеч қандай чора кўришаётгани йўқ. Бу ишга прокуратура, милиция ва суд органлари ўта совуққонлик билан қарашмоқда...»

Кўриниб турибдики, айниқса, район милиция бўлими раҳбарлари газета материалига жавоб беришда масъулиятни чуқур ҳис этишмаган.

Аввало, Ўруновнинг ҳақидаги материал бир неча ой ўтганидан сўнг судга ҳавола қилинган. Халқ суди эса сиртдан нафақа ундиришга мажбур бўлган. Бинобарин, бундан даъвогар Ҳафиза Ўруновга шу кунга қадар ҳеч қандай чора кўришаётгани йўқ. Бу ишга прокуратура, милиция ва суд органлари ўта совуққонлик билан қарашмоқда...»

Бунинг устига, юқоридаги хаспўшланган жавоб редакцияга беш ойдан сўнг юборилган. Қизиғи шундаки, 16 августда ёзилган бу жавоб бир ойдан ошиқ вақт бошлиқ ва секретарь тортмаларида ётавериб, кейин почта яшигига ташланган.

Агар милиция бўлимидаги ўртоқлар матбуот сигналига жиддийроқ муносабатда бўлишганда, эди, қариб қўйилмаган Ўруновалдаючон суд залига келтириб, жамоатчилик ўртасида изза қилинган бўлур эди.

Матбуот сигналига бундай ножиддий муносабатда бўлган район милиция бўлимидаги айрим ўртоқлар бундан ўзларига хулоса чиқариб олсинлар.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

Халқаро империализмнинг Латин Америкасига нисбатан тутган хоинона «бўлиб ол ва ҳокимлик қил» сиёсати бу қитъани қашшоқлашишга, очлик ва қарамликка олиб келди. Ана шу империалистик сиёсат ва чет эл монополияларининг экспансиси Латин Америкаси мамлакатларини фақат бир ёқлама ривожланишга, қолоқ аграр давлатларгина бўлиб қолишга сабабчи бўлди. Ҳозирги кунда бу қитъадаги кўпгина давлатлар асосан «кофе ва банан республикалари» бўлиб қолмоқда.

Вашингтон, Бонн ва бошқа империалистик пойтахтлардан юргизилаётган сиёсат Латин Америкаси мамлакатларининг сиёсий ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу сиёсат ҳитада саноқсиз сарой, давлат ва ҳарбий тўнтаришлар қилинишига олиб келмоқда. Латин Америкаси давлат тўнтаришлари қитъасига айланиб қолмоқда.

Латин Америкаси мамлакатларига чет эл капитали ва монополияларининг тинмай кириб келиши қитъадаги давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий қарамлигини янада кучайтирмоқда.

Бу нуқтадан Ғарбий Германия айниқса, ёвузлик қилмоқда. Ҳозирги кунда Ғарбий Германиянинг йирик монополиялари Латин Америкаси экономикасини ўрғамчик уясидек ўраб олган. Масалан, Ғарбий Германиянинг монополияларининг чет элларда жойлаштирилган жами капиталининг 40 процентдан ошиқроғи Латин Америкаси мамлакатларига тўғри келади. Ғарбий Германия банклари кўпгина Латин Америка банкларини ўз тизимига илинтирмоқда. Масалан, баргина машҳур Ғарбий Германия немис банкининг Рио-Де-Жанейро, Сан-Пауло, Буэнос-Айрес, Сант-Яго, Каракас ва Мехикода ўз вакилликлари бор.

Ғарбий Германия концерн ва монополиялари айниқса кейинги йилларда Латин Америкаси мамлакатлари экономикасига кўпроқ кириб келмоқда. «Штерн» журналининг хабар қилишича, 1965-1968 йиллар давомида Ғарбий Германия саноат корхоналарининг Латин Америкаси мамлакатларига жойлаштирган капитали 25 процентга ошиб, ҳозирда 2 миллиард маркани ташкил қилади.

Ғарбий Германиянинг энг йирик химия концернларидан бири бўлган «Хехст фармацетикл индастрие» концерни қитъада янгилиги бозорларни қўлга киритмоқда. У Аргентина, Бразилия, Мексика, Чили ва Колумбияда ўз корхоналарига эга, Гватемала ва Перуда иккита янги завод ишга туширмоқда. Ғарбий Германиянинг бошқа химия концерни «Бадише анилин унд садафабрик» 1956 йиллан бери Бразилиянинг Рио-Де Жанейродаги «Компания де продуктос химикос» компанияси акциясининг учдан бир қисмига эгалик қилмоқда. «Сименс» концернинг Сан-Пауродаги корхоналари эса Бразилия электростанциялари учун ишлаб чиқарилган жами ускуналарнинг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда.

Ғарбий Германия монополияларининг тазйиқи айниқса, Латин Америкаси автомобиль саноатида кучли бўлмоқда. Қитъа шаҳарлари Ғарбий Германия автомобиллари билан тўлиб кетган. Бразилияда «Фольксвагенверк» автомобиль концерни тўла ҳукмронлик қилмоқда. Унинг заводларида кунига 620 та автомобиль ишлаб чиқараётган 13 минг ишчи ишламоқда. Бу концерн Бразилияда ишлаб чиқарилаётган жами енгил автомобилларнинг 70 процентини, мамлаватда чиқарилаётган автомашиналарнинг эса ярмидан кўпрогини етказиб бермоқда. «Фольксвагенверк» Бразилияда конкуренция қилаётган энг йирик Америка фирмалари— «Форд» ва «Женерал моторс»ни ҳам ортда қолдириб кетган.

Ғарбий Германия «Мерседес-бенц» концернинг корхоналари эса йилига 10 минг автобус, Бен Бразилияда чиқарилаётган сутун автобусларнинг 95 процентини ишлаб чиқармоқда. Яқинда Бразилияда Ғарбий Германия авиация концерни «Дорнье» ҳам ўз корхоналарини очди.

Шундай қилиб, Вилли Брандтнинг Латин Америкасига қилган навбатдаги сафари фақат бир мақсадга: океан ортидаги қитъа мамлакатларини ҳам кўпроқ Ғарбий Германия таъсирига олишга қаратилгандир. Лекин Ғарбий Германия давлат арбоблари шуни билишлари лозимки, курашга отланган Латин Америкаси халқлари сиёсий ва иқтисодий арқонларини нарсан турган ҳар нандай сиёсатни рад этажаклар!

Т. СОЛИЕВ,
Москва.

«ҚАРИБ ҚУЙИЛМАГАН»

Ушбу сарлавҳа билан газетамизнинг шу йил 23 апрель сонида ахлоқ мавзуида мақола босилган эди. Унда бўкалик Иброҳим Ўруновнинг 3 фарзандини ташлаб, Салима Қосимова деган бир аёл билан Тошкентга келиб яшаб турганлиги, уларнинг инсон шаънига номуносиб қилмишлари фош этилган эди.

Яқинда редакция Бўка район милиция бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция майори Ўрток Жўраевнинг имзоси билан қўйидаги жавобни олди.

«Қариб қуйилмаган» юзасидан текшириш ўтказилганда — дейилади унда, — мақолада ёзилганларнинг ҳаммаси тасдиқланди. Бу ҳақдаги материаллар 23 июлда халқ судида кўрилиб, Ўруновдан болалари фойдасига 50 процент миқдорида нафақа ундириб бериш ҳақида қарор чиқариб берилди.

Жавобгарни қидириб топиш ва уни судга келтириш мақсадида милиция ходимлари бир неча бор Тошкентга командировка қилинди. Лекин, Ўруновни топиб бўлмади. Шу кеча-кундузда ижро варақасига мувофиқ қидирув эълон қилинган...»

РЕДАКЦИЯДАН:

Ушбу жавобни олганимиздан сўнг эртаси куни редакцияга Иброҳим Ўруновнинг умр йўлдоши бўлмиш Ҳафиза Ўруновадан шикоят хати келди. Унда шундай дейилади:

«Ҳурматли редакция ходимлари, менинг илтимосимни қондириб, газетангиз саҳифасида эрим бўлмиш Иброҳим Ўруновнинг оталик шарафига нолойиқ киши эканлигини, ўз фарзандларини ташлаб, саёқ йўлларга кириб кетганлигини фош этганингиз, эл-юрт олдида шарманда-ю, шармисор қилганингиз учун миннатдорман.

Мақола чиққандан кейин милиция бўлимига мени бир-икки марта чақиришди. Мен ўз дард-ҳасратимни айтиб, Ўруновдан фарзандларимга нафақа ундириб беришда ёрдам кўрсатишларини сўрадим. Афсуски, шу кунгача эримдан ҳеч қандай нафақа ундириб берилгани йўқ. Шунга қарамай, бир ярим йилдан бери нафақа тўлашдан бош тортиб юрган Ўруновга нисбатан ҳеч қандай чора кўришаётгани йўқ. Бу ишга прокуратура, милиция ва суд органлари ўта совуққонлик билан қарашмоқда...»

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ

КИНО САНЪАТИ ТАРИХИДАН

ҲИНДИСТОН

Ҳиндистон ҳар йили уч юзга яқин бадиий фильм ишлаб, бу соҳада дунёда иккинчи ўринни эгаллайди.

Ҳиндистон киносанъатининг тарихи 1896 йилдан бошланади. Ўша йили Бомбайда биринчи кинокартина кўрсатилган эди. Картина бир ҳафта мобайнида экрандан тушмай, томошабиндарга кўрсатилганди. Бироқ, фильмлар ишлаб чиқариш асосан 1913 йилнинг май ойидан бошланади. Томошабинлар ўшанда Д. Г. Пхальке суратга олган «Раджа Хариш-чандра» овозсиз картинасини кўришга муяссар бўлган эдилар.

1931 йилдан овозли фильмлар даври бошланади. Бу вақтга қадар бир ярим юзгача яқин овозсиз фильм ишлаб чиқарилган эди.

Уруш тамом бўлгандан кейин ва 1947 йилда Ҳиндистон мустақилликкга эришгандан сўнг ҳинд киносанъатида янги тараққиёт даври бошланди.

Ҳозирги вақтда ҳинд фильмлари Ҳиндистон табиати гўзалликларини, ўтмиш тарих ва ҳозирги замон ҳинд ҳаёти ва маданияти тасвирларини томошабиндарга етказмоқда, мамлакат ҳаётининг мураккаб томонларини акс эттирмоқда.

Ҳиндистонда 70га яқин киностудия бор. Улардан айримлари Осиёдаги энг йирик киностудиялардан ҳисобланади.

Ҳинд кинофильмлари ҳалқаро кинофестивалларда қатнашиб келмоқда. Улардан яхши ҳисобланганлари рағбатлантирилиб келинмоқда. Айрим ҳинд киноартистлари ва режиссерларининг номлари жаҳонга машҳур, баъзилари ҳалқаро кинофестиваллар жюриларининг аъзолари сифатида катта киносанъати кўрикларида қатнашиб келмоқдалар.

АФРИКА

Осиёнинг мустақилликка эришган бир қанча Африка малакатларида кино санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бир қанча Африка мамлакатлари, да асосан ҳужжатли ва ҳужжатли-оқартув фильмлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу фильмларда томошабиндар мамлакат ҳаёти, қишлоқ хўжалиги тараққиёти, мактаб-маориф ишларининг олиб борилиши билан танишадилар.

Айрим киностудиялар ўзлари ишлаб чиқарган дастлабки бадиий фильмларни ҳам томошабиндарга тақдим этмоқдалар. Африка қитъасининг ёш кинематографчилари олдида ҳали бир қанча ҳал этилмаган масалалар ва қийинчиликлар турибди. Колонализм исканжасида қолган халқлар очлик, мухтожлик ва ёпасиз саводсизликда ишлаб келган, лар. Эндиликда мустақилликка эришган бу давлатларда диктор овози экрандан янграб қишларга ўқиш китобини, маданият, маориф, адабиёт ўринни босмоқда.

СЎЗ ЎЗБЕК САНЪАТИ УСТАЛАРИГА

Комил ЕРМАТОВ,
Кинорежиссёр, СССР халқ артисти.

Кеча республикамизнинг гўзал пойтахти Тошкентда Осиё—Африка мамлакатлари кинофестивали тантанали равишда бошланди. Фестиваль қатнашчилари орасида икки улкан қитъа кино санъатининг моҳир усталари, шунингдек бошқа мамлакатларнинг машҳур кинематографистлари бор. Биз ўзбек кинематографчилари фестивалга келган ҳурматли меҳмонларни чин юракдан табриклаб, бизнинг гўзал диёримизга хуш келибсизлар, демоқдамиз. Фестиваль фильмларни пойтахтнинг энг яхши кинотеатрларида намойиш қилинмоқда. Фестиваль кунларида ўзбек кинематографчилари яратган фильмлар, шу жумладан мен режиссёр — постановкачи бўлган «Инқилоб чавандозлари» бадиий фильми ҳам намойиш килинади. Талабчан ҳамкасб меҳмонлар, шунингдек ҳурматли томошабиларимизнинг бу фильм ҳақидаги фикрларини эшитишга муштоқмиз.

* * *

Ҳатам ФАЙЗИЕВ,
оператор.

Шуни унутиш керак эмаски, кинофестиваль — санъат байрами эканлигидан ташқари, ҳамкасбларнинг иш жараёнида учрашуви, ижодий тажриба алмашиш, кино усталарининг ўзаро ижоди бойиши демак — кино санъатининг бойишидир.

УЛКАН АНЖУМАН

Бутун олам қиёҳи яна Тошкентда. Ўзбек диёрининг элга машҳур пойтахтига — тинчлик ва дўстлик шаҳри Тошкентга жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюришган.

Обод ва мунаввар шаҳримиз яна байрам либосида. Юксак биноларнинг пештоқларида анонс плакатлари, тинчлик, тараққиёт, дўстлик ва ўзаро маданий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга даъват этувчи шиорлар. Яқиндагина қад кўтариб, кўкка магрур бўй чўзиб турган иморатларнинг пештоқида Осиё ва Африка мамлакатларнинг биринчи ҳалқаро кинофестивали эмблемалари кўзга ташланиб турибди.

Мана, катта тайёргарлик билан орзиқиб кутилган кино санъатининг муборак байрами бошланди. Осиё ва Африка қитъасидаги мамлакатларнинг кинематографиясида яратилган энг яхши асарларни аниқлаб чиқиш, рағбатлантириш, турли мамлакатлар кино ходимлари билан ҳамкорликни ва ҳалқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида, «Тинчлик, социал тараққиёт ва ҳалқлар озодлиги учун» шиори остида, ташкил этилган Ҳалқаро кинофестиваль, экран санъати мухлисларининг, кино шайдоларининг чинакам қутлуғ байрами бошланди.

Томошабинлар йигирма биринчи октябрдан ўттиз биринчи октябргача бўлган ўн кун давомида икки улкан қитъа мамлакатларида ишлаб чиқарилган жуда кўп фильмларни томоша қиладилар, кино оламидаги аҳвол билан, жаҳон кинематографияси бадиий ва эстетик тараққиёти даражаси билан танишадилар.

Кино гуруҳининг тантаналари, икки қитъа экран санъати усталарининг улкан байрами социалистик Ўзбекистонимизнинг нурафшон пойтахтида ўтказилаётганлигининг ўзи ҳам эҳтиёт ва дўстлик шаҳри Тошкентга жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюришган.

Кинотеатрларда Япония, Бирлашган Араб Республикаси, Ҳиндистон, Жазоир, Гвинея, Гана, Ироқ, Ливан, Марокаш, Покистон, Цейлон ва бошқа мамлакатларнинг фильмлари намойиш қилина бошланди. Бадиий фильмлар турли мамлакатларнинг кино санъати тараққиёти даражаси, фильмларнинг бадиий ва эстетик савияси ҳақида, санъаткорларнинг маҳорат ва истеъдодлари, ўзига хос ижодкорлик услублари ҳақида тасаввур бериб қолмай, икки қитъадаги жуда кўп мамлакатларнинг табиий шароити, халқларнинг ҳаёти, турмуши, орзу-тилаклари, урф-одатлари, миллий-маданий анъаналари, маросимлари билан ҳам яқиндан танишиш имконини беради.

Бадиий фильмлар билан бирга ликда ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар ҳам кенг кўрсатилади. Бу картиналар эса экран ёрдамида жаҳоннинг турли-туман мамлакатларига саёҳат қилиш, ажойиб-гаройиб ўлкаларни томоша қилиш, уларнинг табиати, ўсимлик дунёси билан яқиндан танишишга ёрдам беради.

Фестиваль совет филмларининг катта байрамига айланади. Фестиваль кунларида Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказье республикалари, Сибирь ва Узоқ Шарқ кинематографиясининг энг яхши намуналари намойиш этилади.

Ўзбек кино санъаткорлари энг сўнгги икки янги бадиий фильмни фестивалга инъом этишди. Улардан бири «Инқилоб чавандозлари» бадиий фильмидир. СССР халқ артисти атоқли кинорежиссёр Комил Ерматов томонидан постановка қилинган тарихий-инқилобий мавзудаги бу ажойиб кинолентада инқилоб йиллари, мамлакатимизнинг энг улкан кинодаргоҳлари «Мосфильм», «Ленфильм» студиялари вакиллари ҳам фестивалнинг муҳтарам ва азиз меҳмонлари бўладилар.

Фестиваль кунларида жаҳондаги турли мамлакатлардан келган санъаткорлар билан, экран самосининг ёркин юлдузлари билан дийдор кўришамиз. Япониялик актер Кимура Акира, Франциядан Моник Зальцман, Бирлашган Араб Республикасидан актриса Магда Комил, Англиядан Алан Гриффита, Болгариядан режиссёр Тодор Динов, Венгриядан Йожеф Киш ва бошқа кўплаб кино намояндалари азиз тупроғимизга, меҳмондўст ўзбек элига ташриф буюрдилар.

Меҳмонларимиз фестиваль кунларида кўплаб ҳалқаро мавқедаги йиғинлар, симпозиум, учрашувлар, декада ва ҳафталиклар, кўрик ва фестивалларнинг маскани сифатида жаҳонга донг таратган муаззам пойтахтимизда «Тошкент руҳи» деган сермазмун калима маъносини тўла англаб ҳис этадилар.

Ниятн холис меҳмонларимизга ўзбекчасига икки қўлимизни кўксимизга қўйиб, «Марҳабо, азизлар» деймиз.

Санд ХУЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кинематография Давлат комитети кинопрокат бошқармасининг бошлиғи.



Юқоридаги суратда: Оржоникидзе районидаги «Қиброй» совхозида махсус қуритиш установкасида узум ва олхўри қуритиляпти. Шу райондаги «Правда» газетаси 50 йиллиги» совхози боғларида бу йил олмадан мўл ҳосил етиштирилди. Пастдаги суратда: илгор теримчи Ҳакима Шомантова. У ҳар куни 400 килограммдан кўпроқ олма теряпти.

И. Душкин (ЎзТАГ) ва Н. Абдурасулов фотолари.

ФУТБОЛ

АБДУРАИМОВНИНГ 17 ТЎПИ

18 октябрь куни Кировободда маҳаллий динамочилар билан «Пахтакор» ўртасида мавсумнинг ҳал қилувчи ўйини бўлди. Бу учрашув шу сабабли ҳам принципиал аҳамиятга эга эдики, агар майдон эгалари галаба қилсалар, «Пахтакор» хавфли зонада қоларди. Меҳмонлар устунлик қилганда эса кировободликларнинг сўнгги ўринда қолиб кетиши аниқ бўларди.

Ўзбек футболчилари ана шу масъулиятни ҳис қилиб ўйнаб, кескин курашда рақибларини енга олдилар. Ҳисоб 4:1. Яна шуниси қувончлики, бу ўйинда Эркин Абдураимов учта тўп урди. Бу билан унинг ҳисобидаги голлар сони 17 тага етди. Ҳужумчимиз ҳозир биринчи ўринда бораётган Стрельцовга етиб олди. Учрашувдаги яна бир тўпни Иброҳимов киритди.

Бу галабадан сўнг «Пахтакор» кировободликлардан беш очко ўзиб кетди. Бугун ҳамшаҳарларимиз Бокуда «Нефтчи» билан мусобақалашгач, Тошкентга қайтиб келиб мавсумнинг сўнгги ўйинларини ўз майдонида ўтказадилар.

Шу турдаги бошқа учрашув натижалари қуйидагича бўлди: «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Минск) — 3:2; «Нефтчи» — «Қайрат» — 2:1; «Спартак» — «Заря» — 1:1; «Локомотив»-«Шахтер» — 2:2.

Ҳозир турнир жадвалида қуйидаги вазият вужудга келди:

Командалар	У.	Т.	О.
«Динамо» К.	33	53—21	51
«Спартак»	33	53—36	44
«Торпедо» М.	32	50—24	43
ЦСКА	33	42—28	43
«Динамо» Тб.	33	42—24	38
«Динамо» М.	33	46—30	38
«Динамо» Мн.	31	37—28	37
«Черноморец»	32	43—39	34
«Локомотив»	33	33—35	34
«Заря»	34	22—35	32
«Зенит»	33	31—43	31
«Шахтер»	33	34—34	30
«Нефтчи»	33	34—40	30
СКА	33	37—42	28
«Кр. Советов»	33	21—34	27
«Арарат»	33	30—42	26
«Торпедо» Кт.	34	26—40	25
«Қайрат»	33	22—37	24
«Пахтакор»	33	35—94	24
«Динамо» Кд.	33	20—42	19

НАТИЖАСИЗ ЎЙИНЛАР

Ўтган шанба куни «Политотдел» колхози футболчилари ўз майдонида «Энергетик» командасини қабул қилиб, 0:0 ҳисобида дуранг ўйнадилар. Турнир пешқадами — Омскнинг «Иртиш» командаси ҳам Хабаровскда бўлган ўйинни шу ҳисобда якунлади. Бу ўйинлардан сўнг омскликлар 49 очко билан биринчи, Хабаровск армиячилари 45 очко билан иккинчи, Кузбасс командаси 44 очко билан учинчи ва политотделчилар 43 очко билан тўртинчи ўринда борморкдалар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

МЕХИКО ХАБАРЛАРИ

MEXICO 68

Ўтган шанба ва яншанба кунлари XIX олимпиада ўйинлари программасига киритилган мусобақаларнинг қизғин «жанг»лари бўлди. Аввало совет штангачиларининг муваффақияти ҳақида тўхталиб ўтайлик.

Ярим оғир вазнлилар курашида мамлакатимиздан машҳур штангачи Ян Тальтс қатнашди. У билан финляндиялик Кангасниеми кучли рақобат қилди. Олимпиадагача ҳамма мутахассислар Тальтснинг галабасига ишонч билан қараган эдилар. Аммо Мехикода бу икки полвон ўртасидаги баҳс фин штангачисининг фойдасига ҳал бўлди. Кангасниеми умумий 517,5 килограмм натижага эришиб, олимпиада чемпиони бўлди. Совет вакили эса 507,5 килограмм билан чекланиб, кумуш медаль олди. Тальтс толчокда 197,5 килограмм тошни кўтариб, жаҳон рекорди қўйди.

Мерганлар мусобақасида совет спортчиси Г. Косих 562 очко олиб, олимпиада рекорди қўйди ва командамизга олтин медаль келтирди.

Узоққа сакрашда АҚШ вакили Бимон ана бовар қилмайдиган натижага эришди. У 8 метру 90 сантиметрга сакраб, янги жаҳон ва олимпиада рекорди ўрнатди. Совет спортчиси Игорь Тер-Ованесян 8 метр-у 12 сантиметр натижа билан тўртинчи ўринда қолди.

Энг оғир вазнли штангачилар баҳси нутганимиздан совет полвони — Ер юзидаги энг кучли киши — Леонид Жаботинскийнинг галабаси билан тугади. Тенги йўқ полвон жимда 200 килограммлик тошни кўтариб Юрий Власов ўрнатган олимпиада рекордини янгилади. Бу машҳур америкалик Дьюб ҳам шундай натижа кўрсатди. Аммо иккинчи машҳда ватандошимиз рақибидан анча ўзиб кетди. Жаботинский штангани силтаб кўтаришда 202,5 килограмм натижага эришди ва уч курашда 572,5 килограмм оғирликдаги тошни йўтарди. Бу кўрсатгичнинг ўзи пахловонга олимпиаданинг олтин медалини олиб берди. Иккинчи, учинчи ўринларни олган бельгиялик Рединг ва американлик Дьюб эса 555 килограмм билан чекландилар.

Шундай қилиб, оғир атлетикачиларимиз мусобақаларни якунладилар. Улар терма командамизга учта олтин, ва учта кумуш медаль олиб бердилар.

Аммо енгил атлетикачиларимиз ҳамон муваффақиятсиз қатнашмоқдалар.

Аёлларнинг сувдаги мусобақалари ҳам кутилмаган натижаларни берди. 100 метрга брасс усулида сузишда югославиялик Жужа Бедова маррага биринчи бўлиб келди. У бу масофани 1 минут 15,8 секунда сузиб ўтиб, олимпиада чемпиони бўлди. Совет сузувчиси Галина Прозуменщикова голибдан сал орқада қолиб, кумуш медаль билан чегараланди. Шу масофада қатнашган тошкентлик Светлана Бабанина яхши натижа кўрсата олмади.

Эркакларнинг 100 метрга брасс усулида сузишида совет спортчилари Николай Панин ва Владимир Косинский (у ярим финал мусобақада олимпиада рекорди ўрнатди) хурсанд этдилар. Аммо финалда американлик Маккензи бу рекордни янгилаб, олимпиада чемпиони бўлди. (1 минут 07,7 секунд). Совет сузувчилари эса кумуш ва бронза медаллари билан тақдирландилар.

2 кишилик қайиқ пойгасида Анатолий Сасс ва Александр Тимошнин Голландия ва Америка қайиқчиларидан ўтиб кетиб маррага биринчи бўлиб келдилар ва олимпиада чемпиони деган фахрли номга сазовор бўлдилар. 8 та эшкакчи пойгасида эса совет вакиллари учинчи ўринни эгаллаб, командамизга бронза медали олиб бердилар.

Суратда: олимпиада чемпиони Леонид Жаботинский.

НЕГА ШУНДАЙ АТАЛАДИ

Яқинда биз бир группа саёҳатчилар «Троицкое» қишлоғида бўлдик. Табиийки, бизни биринчи галда қишлоқнинг номи қизиқтирди.

— Нега «Троицкое» қишлоғи деб аталади?

Бу саволимизга Чирчиқ шаҳар ўлкани ўрганиш музейининг илмий ходими Евгения Ивановна Королева шундай жавоб берди:

— XIX аср охирларида подшо Николай Константинович ва маҳаллий ҳукмдорларнинг жабру зулмига чидай олмаган россиялик деҳқонлар ҳар тарафга бош олиб кета бошлайди. Уч рус деҳқони ўзбек тупроғига келиб, Тошкентдан унча узоқ бўлмаган даштликда ўтроқлашиб қолади. Шу ерда деҳқончилик қилиб, турмуш кечира бошлайди. Натижада чўлда қишлоқ ташкил топади ва «Троицкое» деб ном олади. 1886 йил 1 июнидан бошлаб қишлоқ ана шу ном билан аталиб келинмоқда.

Совет ҳокимияти йиллари да Троицкое янада ободонлашиб, янги чирой кашф этди. Бу ерда янгидан-янги тўрт қаватли турар-жой бинолари қад кўтармоқда. Эндиликда қишлоқ кўркам поселка тусини олмоқда.

Э. ХОЖИҚУРБОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан—Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Эшиттиришлар программаси.

Рус тилида: 18.00—Телеянгиликлар, 18.15—«Сенга, комсомол»! (Ёшлик» кўрсатади), 18.55—Садоқат (бадиий фильм), 20.00—Фестиваль кундалиги.

Ўзбек тилида: 20.40—Телеянгиликлар, 21.00—Меҳнаткашларда коммунистик онгликнинг тарбиялаш ҳақида суҳбат, 21.15 — Раҳс тушамиз, 21.55—Кинофестиваль экрани. Ўтмиш билан учрашув (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00—Икки музей (кинофильм).

Рус тилида: 20.20—Помир новелласи (ҳужжатли фильм), 20.40 — Ким бўлмоқчисан, йигитча? (телефильм), 21.10 — Баландлик (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 22/X да Травиата, 23/X да Сухайл ва Меҳри.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/X да Алжонларим, 23/X да Парвона.

КИНО

Моабит дафтари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ялон қандолати; Қоҳира 30-йилларда — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10, кундуз 3 ва кеч 8 да).

Алданган ва хўрланган — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Икки ўртоқ хизматда (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 9-45 минутда), Ҳиндулар суянчиги (кундуз 12,2, кеч 6 ва 8 да) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Исёнчи; Тунда ўқ — «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 3 ва кеч 8 да).

Кашмирдаги севги (1 ва 2-серия) — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 3 ва кеч 8 да).

Севги ва ўлим тарихи; Хотинимнинг номуси — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 10, кундуз 3 ва кеч 8 да).

Кучли дёл, нимжон эр; Саботажчи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 3 ва кеч 8 да).

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
26, 29 октябрда
ВЛКСМНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
СПЕКТАКЛЬ
БЎРОН ҚУШИ
Драма 3 антдан иборат.
Режиссёр — Н. Отабоев.
Рассом — Г. Брим.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Тереза ДУРОВА раҳбарлигида ўргатилган ҳайвонлар группасининг
ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ
Томошалар ҳар куни кеч соат 8 да, шанба куни 12 ва кеч 8 да, Якшанба кунлари уч марта—кундуз 12, 3 ва кеч 8 да бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

4-АВТОБАЗАГА
М.503 янги автомашина шоферлари, меҳнат ва маош бўлими бошлиғи, меҳнат ва маош бўйича катта инженер, моддий бўлим катта бухгалтери, нассир, усуналар бўйича 4, 5 разрядли слесарлар, слесар-сантехниклар, электрик
КЕРАК
Тошкент шаҳар, Қўйлик поселкаси, Тошлоқ кўчаси, 205-уй. Кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

КУТУБХОНА, КОРХОНА, МУАССАСАЛАР ДИҚҚАТИГА!
«Союзпечать» органлари 1969 йилда кутубхона, ўқув залларида фойдаланиш учун газета ва журналларга
ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ
давом эттирмоқда.
Заявкалар қабул қилишнинг сўнгги муддати — 20 октябрь. Кўрсатилган муддатдан сўнг ёзилган заявкалар 1969 йилнинг кейинги ойлари ҳисобига киради.
Узбекистон ССР Алоқа Министрлиги «Союзпечать» бошқармаси.

«УЗБЕКИСТОН» ЧАРМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА
бош бухгалтер ўринбосари, 2-чарм заводида ишлаш учун катта бухгалтер
КЕРАК
Меҳнат ҳақи вақтбай-мукофот тариқасида тўланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси. Прохладний тупик, 27-уй, 7 трамвайнинг «Фарҳод» бекати. Телефон 5-06-81.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Р. 08840. ИНДЕКС — 6469. № 01967. Ш